ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

105 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўгрисидаги йўрикномани тасдиклаш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 5 мартда руйхатдан ўтказилди, руйхат рақами 2657

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўгрисида» ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ−4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» ги Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ−1252-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўгрисида» ги қарорига мувофиқ буюраман:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа туловларни тулашни ташкил этиш тартиби туғрисидаги йуриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- 2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Р. АЗИМОВ

Тошкент ш., 2015 йил 30 январь, 6-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й.



9 (665)-сон — 35 — 105-модда

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИКНОМА

Мазкур Йўрикнома Ўзбекистон Республикасининг «Фукароларнинг давлат пенсия таъминоти тўгрисида» ги Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ—4161-сон «Фукароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» ги Фармонига мувофик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташкари Пенсия жамгармаси (бундан буён матнда Пенсия жамгармаси деб юритилади) томонидан пенсия, нафака ва бошка тўловларни (бундан буён матнда пенсия ва нафака деб юритилади) тўлашни ташкил этиш, хисобини юритиш ва мониторингини амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўрикномада куйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

шахсий карточка — Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) булимининг пенсия тайинлаш буйича комиссияси (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) қарори асосида шахсга тайинланган пенсия ва нафақа туррисидаги маълумотлар қайд этиладиган мазкур Йуриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштириладиган ҳужжат;

қайднома — пенсионер ва нафақа олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, яшаш жойи, паспорт маълумотлари, пенсия ва нафақа тулов муддати ҳамда суммасига доир маълумотлар акс эттирилган, пенсия ва нафақа тулови учун тижорат банки филиали ва почта алоқаси объектига тақдим этиладиган ҳужжат;

қайдномадан йиртиб олинадиган талон — почта алоқаси объекти томонидан пенсия ёки нафақа тўлангандан кейин Пенсия жамғармаси туман (шахар) бўлимига (бундан буён матнда Пенсия жамғармаси бўлими деб юритилади) қайтариладиган қайдноманинг бир қисми;

- **шахс** пенсия ва/ёки нафақа олиш ҳуқуқига эга булган Узбекистон Республикаси фуқароси, шунингдек Узбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасини олган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги булмаган шахс.
- 2. Пенсия ва нафақалар комиссиянинг қарорида курсатилган миқдор ҳамда муддатлардан келиб чиқиб туланади.



2-боб. Шахсий карточкаларни очиш ва юритиш

- 3. Комиссия томонидан пенсия ва / ёки нафакани тайинлаш тўгрисида карор кабул килингандан сўнг пенсия ва нафакаларни тайинлаш гурухи инспектори пенсия ва нафакалар тўловини амалга ошириш учун зарур бўлган пенсионер ва нафака олувчининг йигмажилдини (бундан буён матнда пенсия йигмажилди деб юритилади) Пенсия ва нафакалар тўлови мониторинги гурухига такдим этилган хужжатларни рўйхатга олиш китобига кайд этган холда пенсия ва нафакалар тўлови мониторинги гурухи (бундан буён матнда мониторинг гурухи деб юритилади) инспекторига такдим этади.
- 4. Мониторинг гурухи инспектори пенсия йигмажилдида мавжуд маълумотларга асосан шахсий карточкани расмийлаштиради.
 - 5. Шахсий карточка қуйидаги ҳолларда очилади: шахсга пенсия ва нафақа тайинланганда;

шахсга у доимий (вақтинча) яшаш учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа худудидан кучиб келганлиги сабабли, пенсия ёки нафақа қайта ҳисоблаб чиқилганда.

6. Шахсий карточкада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: пенсия йигмажилдида кўрсатилган тартиб рақам;

шахснинг (васий ёки хомийнинг) фамилияси, исми ва отасининг исми; шахснинг тугилган санаси, паспорт серияси ва рақами, яшаш жойи;

мехнатга лаёқатсиз оила аъзолари ҳақида маълумот, боқувчисини йуқотганлик пенсияси ёки нафақаси тайинланган ҳолларда;

пенсия ва нафакани тайинлаган ҳамда туловни амалга ошираётган Пенсия жамғармаси булими номи;

пенсия ва нафақа туловини етказиб берувчи почта алоқаси объекти ва / ёки тижорат банки филиалининг номи ва рақами;

тайинланган пенсия ва нафақа муддати ҳамда суммаси, шунингдек комиссия қарори сони ва санаси;

ногиронлик гурухи ва муддати, ногиронлик пенсияси ёки нафакаси тайинланган холларда;

пенсия ва нафакани тулаш шакли;

ишловчи пенсионерлар учун ташкилотнинг номи, солиқ туловчининг идентификация рақами, Ф-25 топшириқномасининг рақами ва санаси;

ишловчи пенсионерлар учун пенсия ва нафақа тўлови даври (муддати) ва суммаси (фоизи), шунингдек пенсия тўловининг тўлиқ микдорда амалга оширилиши бўйича имтиёзлар;

ўтган вақт учун тўловлар даври ва суммаси.

- 7. Шахсий карточка мониторинг гурухи инспектори томонидан Пенсионернинг шахсий хисобвараги очилишини руйхатга олиш китоби ёки Ижтимоий нафака олувчиларнинг шахсий хисобвараклари очилишини руйхатга олиш китобига кайд этилиши ва текшириш учун мониторинг гурухи рахбарига такдим этилади.
- 8. Шахсий карточка мониторинг гурухи рахбари ва Пенсия жамғармаси булими бошлиғи томонидан текширилади ва шахсий карточкага киритилган



маълумотларнинг тўлик ва тўгрилигига ишонч хосил килингандан сўнг мониторинг гурухи рахбари ва Пенсия жамгармаси бўлими бошлиги томонидан имзоланади хамда Пенсия жамгармаси бўлимининг мухри билан тасдикланали.


9. Шахсий карточкалар дубликати табиий офатлар, авариялар ёки бошка фавкулодда вазиятлар натижасида йўколганда ёки яроксиз холатга келганда очилади.

Шахсий карточка йўқолганда, унинг дубликати йўқотиш сабаблари кўрсатилган холда тузилган далолатнома хамда Пенсия жамғармаси бўлими масъул ходимининг тушунтириш хатига асосан очилади.

- 10. Мониторинг гурухи инспектори пенсия йигмажилдидаги маълумотларга асосан шахсий карточкага мазкур Йўрикноманинг 6-бандида кўрсатилган маълумотларни киритади.
 - 11. Шахсий карточкага қушимча ёзувлар қуйидаги қолларда киритилади:
 - а) пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтилганда;
 - б) ногиронлик гурухи ўзгарганда;
- в) тайинланган пенсия ва нафаканинг суммаси ёки муддати ўзгарганда (ўзгариш амалга оширилган сана ва давр);
- г) пенсия ва нафақалар буйича ортиқча туловлар аниқланганда ҳамда улардан чегирмалар қилинганда, шунингдек қопланганда;
 - д) ижро хужжатлари келиб тушганда;
 - е) пенсия ва нафақа тулови шакли узгарганда;
- ж) фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганда (васий ёки ҳомий тайинланган ҳолларда, васий ёки ҳомийнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганда);
 - з) шахснинг паспорт маълумотлари ўзгарганда;
 - и) тайинланган пенсия ва нафақа тухтатилганда ёки тухтатиб турилганда;
 - к) тулови тухтатиб турилган пенсия ва нафака қайта тикланганда;
- л) почта алоқаси объектлари орқали пенсия ва нафақа қуйидаги сабабларга кура етказиб берилмаганда (топширилмаганда):
 - 1 пенсионер ёки нафака олувчининг вафоти;
- 2 пенсионер ёки нафақа олувчи туман (шахар)дан ташқарига доимий яшаш учун кучиб кетганда;
 - 3 пенсионер ёки нафақа олувчи яшаш жойида вақтинча булмаганда;
- 4 пенсионер ёки нафақа олувчи ишга жойлашганлиги муносабати билан:
 - 5 бошқа сабаблар.
- 12. Шахсий карточка унга қушимча ёзувлар киритиш имконияти мавжуд булмаганда алмаштирилиши лозим.

Бунда шахсий карточка унга ёпилиш сабаби ва санаси тўгрисида ёзувлар киритилган холда ёпилади.

13. Мониторинг гурухи инспектори томонидан шахсий карточкага ёзувлар киритилгандан сўнг тегишли маълумотлар ахборот тизимига киритилади хамда текшириш учун мониторинг гурухи рахбарига такдим этилади.





- 14. Мониторинг гурухи рахбари шахсий карточка ва ахборот тизимига киритилган маълумотларни, шунингдек пенсия йигмажилдидаги хисоб-китоблар ва бошқа реквизитларнинг тўгрилигини текширади хамда мазкур пенсия ва нафақа тўловини тасдиқлайди. Камчилик аниқланган холларда уни бартараф этиш учун мониторинг гурухи инспекторига қайтаради.
 - 15. Шахсий карточка қуйидаги холларда ёпилади:

шахс вафот этганда;

шахс бошқа худудга доимий яшаш учун кучиб кетганда;

тайинланган пенсия ва нафақаларни тўлаш тўхтатилганда (III гурух ногиронлиги белгиланганда ёки ногиронлик бекор қилинганда, тўлиқ давлат таъминотига ўтганда);

шахснинг яшаш жойи буйича кетма-кет 3 ойдан ортик вакт мобайнида почта алокаси объекти оркали пенсия олмаганда;

пенсия ва нафакани тайинлаш муддати тугаганда.

16. Шахсий карточка унга ёпилиш сабаби тўгрисида тегишли ёзувларни ва ахборот тизимига зарур маълумотларни киритиш орқали ёпилади хамда тасдиқлаш учун мониторинг гурухи рахбарига тақдим этилади.

Мониторинг гурухи рахбари шахсий карточка ёпилиши буйича шахсий карточка ва ахборот тизимидаги маълумотларнинг турилигини текширади хамда шахсий карточканинг ёпилишини тасдиклайди. Камчилик аникланганда уни бартараф этиш учун мониторинг гурухи инспекторига қайтаради.

- 17. Пенсия ва нафакани тулаш тикланганда, аввалги шахсий карточка хам тикланиши лозим.
- 18. Ёпилган шахсий карточкалар мазкур Йўрикноманинг 2-иловасига мувофик шаклдаги Харакатдан тўхтатилган шахсий карточкаларни рўйхатга олиш китобига кайд килиш оркали Пенсия жамғармаси бўлимининг архивига топширилади ҳамда Пенсия жамғармаси бўлимининг тегишли ходимлари жавобгарлиги остида сақланади.
- 19. Пенсия ва нафақа тўлови тасдиклангандан (ёпилгандан) сўнг, пенсия йигмажилди Мониторинг гурухига такдим этилган хужжатларни рўйхатга олиш китобига қайд этилган холда пенсия ва нафакаларни тайинлаш гурухи инспекторига қайтарилади.

3-боб. Пенсия ва нафакалар тулови шакллари

- 20. Пенсия ва нафақа тўлови қуйидаги шаклларда амалга оширилади:
- а) ишламайдиган шахсларга:

пенсионер ва нафақа олувчининг яшаш жойи буйича — почта алоқаси объекти орқали;

пенсионер ва нафака олувчининг яшаш жойи буйича тижорат банки филиали оркали (банк пластик карточкаси хисобварағи ёки жисмоний шахсларнинг омонат хисобварағига ўтказиш йули билан);

- б) ишловчи пенсионерларга асосий иш жойи орқали.
- 21. Ишламайдиган шахсга пенсия ва нафақа тулови шакли мазкур Йуриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги аризасига асосан аниқланади.



Ишламайдиган шахсларга пенсия ва нафақалар уларнинг доимий руйхатдан ўтган жойи буйича туланади. Агарда шахс фақат вақтинча руйхатдан утган булса (Тошкент шахрида ва Тошкент вилоятида турган жойи буйича хисобга олинган булса) пенсия ва нафақа вақтинчалик руйхатдан утишнинг (Тошкент шахрида ва Тошкент вилоятида турган жойи буйича хисобга олишнинг) амал қиладиган муддати мобайнида туланади. Узбекистон Республикасида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги булмаган шахсга пенсия яшаш гувохномаси амал қиладиган муддат давомида туланади. Бунда пенсияни тулаш тухтатиб қуйилган вақтдан бошлаб лекин ҳисобга қуйилгандан олдинги 12 ойдан ошмаган давр учун тикланади.

22. Пенсия ва нафакани банк пластик карточкаси ёки жисмоний шахсларнинг омонат хисобвараги оркали олаётган шахснинг аризасига банк пластик карточкаси буйича хисобварак ёки жисмоний шахсларнинг омонат хисобвараги очганлиги тургисидаги маълумотнома ва тижорат банк филиали хамда мижоз уртасида имзоланган шартноманинг нусхаси илова килиниши лозим.

Бунда пенсия ва нафака тўлови шахснинг аризасида кўрсатилган муддат давомида амалга оширилади. Шахснинг аризасида кўрсатилган муддат тугагандан сўнг пенсия ва нафака тўлови тўхтатилади хамда факат пенсионер ёки нафака олувчининг аризасига асосан тикланади.

Пенсия банк пластик карточкаси ёки жисмоний шахсларнинг омонат хисобварагига тўланганда, пенсионер хар 6 ойда Пенсия жамгармаси бўлимига келиш йўли билан ўзининг пенсия суммасини олиш хукукини тасдиклаши зарур.

Шахс белгиланган муддатда Пенсия жамғармаси бўлимига келмаган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими ходимлари 10 кун ичида пенсионер:

тирик эканлиги;

ишга жойлашганлиги;

яшаш жойи ўзгарганлиги ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарисига чиқиб кетганлиги;

жазони ижро этиш муассасасида эканлиги;

кексалар ва ногиронларнинг интернат уйларида (пансионатларида) яшаётганлиги ҳолатларини аниҳлаш учун пенсионер яшайдиган жойга боради.

Шахснинг олинадиган пенсияга хукуқлари тасдиқланган сўнг, тўлов навбатдаги 6 ойга давом эттирилади.

Пенсионер хуқуқлари тасдиқланмаган тақдирда, пенсия тулаш фуқароларнинг узини узи бошқариш органларининг тегишли вакиллари ва унинг қушнилари иштирокида Пенсия жамғармаси булими ходимлари томонидан тузилган туланаётган пенсияни тулашга ва унинг микдори асосланганлигига таъсир курсатувчи холатни тасдиқлайдиган далолатнома асосида тухтатиб турилади.

Мазкур далолатнома асосида комиссия пенсияни тулашни тухтатиб туриш (тухтатиш) ёки унинг микдорини узгартириш туррисида 3 кун муддатда тегишли карор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й.





105-модда

23. Пенсия ва нафакани тўлаш конун хужжатларига мувофик расмийлаштирилган ишончнома буйича амалга оширилиши мумкин.

Узбекистон Республикаси ташқарисида расмийлаштирилган ишончномага үшбү хүжжат расмийлаштирилган давлатнинг ваколатли давлат органи томонидан апостиль қуйилиши лозим, Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари буйича хуқуқий ёрдам ва хуқуқий муносабатлар конвенциясининг (Минск шахри, 1993 йил 22 январь) иштирокчи давлатлари — Мустақил Давлатлар Хамдустлигига аъзо давлатлар бундан мустасно.

Ишончнома берган шахс пенсия тулайдиган Пенсия жамғармаси булимига бир йилда камида бир марта келиб тайинланган пенсияга бўлган ўз хуқуқини ариза хамда шахсини тасдиқловчи хужжат тақдим этиш орқали тасдиқлаши керак.

Ишончли вакил пенсия ва нафақа тулашга таъсир этиши мумкин булган, ўзига маълум барча холатлар тўгрисида Пенсия жамгармаси бўлимига хабар бериши шарт.

Ишончнома тегишли почта алокаси объектида сакланиши лозим.

24. Пенсия ва нафакаларнинг банк пластик карточкалари оркали тулаш учун маблағларни ўтказиш Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан тақдим этилган тулов топширикномаси ва унга илова килинган кайднома (когоз ёки электрон шаклда) асосида амалга оширилади.

Тулов топширикномаси ва унга илова килинган кайднома (когоз ёки электрон шаклда) такдим этилган күндан бошлаб кейинги иш күнидан кечиктирилмай маблаглар хизмат кўрсатувчи тижорат банк филиали томонидан пенсионер ёки нафақа олувчига очилган 22617-«Пенсионерларнинг пластик карточкалари буйича мажбуриятлари» хисобварагига кирим қилинади.

- 25. Шахснинг танлови буйича унга туланиши лозим булган пенсия ёки нафақа суммаси, бир вақтнинг ўзида пенсия ва нафақа тўловининг бир нечта шаклидан фойдаланган холда амалга оширилиши мумкин.
- 26. Пенсия ва нафака тўлови шаклини ўзгартириш учун шахс Пенсия жамғармаси булими бошлиғи номига ариза тақдим этади.
- 27. Пенсионер ишга қабул қилинганда ушбу ташкилот рахбари пенсияни тайинлаган Пенсия жамғармасининг тегишли булимига пенсионер ишга қабул қилинганлиги тўгрисида (фукаролик-хукукий шартнома тузилганлиги тўгрисида) беш кун ичида хабар қилиши, шунингдек ишга қабул қилиш тўгрисидаги буйрукдан кўчирмани (фукаролик-хукукий шартнома нусхасини) тақдим этиши шарт.

Пенсионернинг ишга қабул қилиш тўгрисидаги буйруқдан кўчирмага (фукаролик-хукукий шартнома нусхасига) асосан мониторинг гурухи инспектори ушбу пенсионер буйича пенсиясини тулаш шаклига узгартириш киритади, Ф-25 топширикномасини расмийлаштиради, шахсий карточка ва ахборот тизимига тегишли ёзувлар киритади.

Ф-25 топширикномаси мониторинг гурухи рахбари ва Пенсия жамғармаси булими бошлиғи томонидан имзоланади, булим мухри билан тасдиқланади. Тасдиқланган Ф-25 топшириқномаси Ишловчи пенсионерларга бери-



ладиган топшириқномаларни (Φ -25) руйхатга олиш китобига қайд қилинади ва пенсионер ёки ишончли вакилнинг қулига берилади.

- 28. Тўлов шакли шахс тегишли ариза билан мурожаат этган ёки мехнат шартномаси бекор қилинганлиги тўгрисида буйруқдан кўчирмани (бажарилган ишлар далолатномасини) такдим этган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб ўзгартирилади ёки тикланади.
- 29. Пенсия ва нафакалар тўлови шаклини ўзгартириш ва тўловни давом эттириш бўйича ариза, шунингдек унга илова килинган хужжатлар (ишга кабул килинганлиги (фукаролик-хукукий шартнома нусхаси) ва мехнат шартномаси бекор килинганлиги тўгрисидаги буйрукдан кўчирма (бажарилган ишлар далолатномасини), шунингдек ишончнома нусхаси) мониторинг гурухи инспектори томонидан мазкур Йўрикноманинг 4-иловасига мувофик шаклдаги Пенсия ва нафакаларни тайинлаш гурухига такдим этилган хужжатларни рўйхатга олиш китобига кайд килинади хамда пенсия йигмажилдига тикиш учун пенсия ва нафакаларни тайинлаш гурухининг тегишли инспекторига пенсия такдим этилади.

4-боб. Пенсия ва нафакалар тулови суммасини хисоблаб чикиш

- 30. Пенсия ва нафақалар тулови ҳисобланган даврдан келиб чиққан ҳолда жорий ой ва утган вақт учун туловлар белгиланади.
- 31. Тулиқ булмаган ой кунлари учун пенсия ва нафақа тулови суммаси қуйидаги тартибда аниқланади:

тайинланган пенсия ва нафақа суммаси тегишли ойнинг календарь кунлари сонига булинади ва бир кун учун тулов суммаси аниқланади;

бир кун учун тулов суммаси тегишли пенсия ва нафақа туловлари амалга оширилиши лозим булган ойнинг календарь кунлари сонига купайтирилади.

32. Тўлов суммаси ҳисобланаётган давр учун тайинланган пенсия ва нафака миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ўтган вақт учун пенсия ва нафақа тўлови ҳисоби фуқаронинг ишлаган ва ишламаган даврлари учун тўловларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

33. Пенсионер ёки нафақа олувчи томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия ва нафақанинг хисобланган суммаси ўтган вақт учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ пенсиялар ва нафақалар миқдорлари оширилиши хисобга олинган холда бир йўла тўланади, бироқ пенсия ёки нафақа олиш учун мурожаат қилишдан олдинги 12 ойдан ортиқ вақт учун эмас.

Пенсия жамғармаси булимининг айби билан уз вақтида олинмаган пенсия ёки нафақа суммаси ўтган вақт учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофик пенсия ва нафақалар микдорлари оширилиши хисобга олинган холда муддат чекланмасдан туланади.



105-модда

5-боб. Шахс кучганда пенсия ва нафакаларни тулаш

- 34. Шахс бир туман (шаҳар) ҳудудида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида бошқа туман (шаҳар)га доимий яшаш учун кўчиб кетганда пенсия ва нафақа аввалги яшаш жойи бўйича шахс рўйхатдан чи-қарилган ойнинг охиригача тўланади.
- 35. Шахс Ўзбекистон Республикаси худуди доирасида бошқа туман (шахар)га доимий яшаш учун кўчиб кетганда мониторинг гурухи инспектори янги яшаш жой бўйича Пенсия жамғармаси бўлимининг пенсия йиғмажилдини бериш тўгрисида сўровномаси, ички ишлар бўлимининг аввалги яшаш жойидан рўйхатдан чиқарилганлиги ва янги яшаш жойида рўйхатга олинганлиги тўгрисида белги қўйилган паспорт нусхасига асосан шахсий карточка хамда пенсия йигмажилдини (шу жумладан ахборот тизимида) ёпади.
- 36. Шахс Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўгрисида халқаро шартномалар тузган давлатга доимий яшаш учун кўчиб кетганда мониторинг гурухи инспектори унинг пенсияни тўлашни тўхтатиш ва кўчиб кетаётганлиги муносабати билан пенсия йигмажилдини бериш тўгрисидаги аризаси, ички ишлар бўлимининг аввалги яшаш манзилидан рўйхатдан чикарилганлиги тўгрисида белги қўйилган паспортининг нусхасига асосан шахсий карточка, шунингдек пенсия йигмажилдини (шу жумладан ахборот тизимида) ёпади.
- 37. Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўгрисида халқаро шартномалар тузган давлатга доимий яшаш учун кўчиб кетаётганда шахснинг суистеъмолликлари (атайлаб нотўгри маълумотлар мавжуд бўлган хужжатларнинг такдим этилиши, бокувчисини йўкотганлик пенсияси тай-инланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар тўгрисида маълумот такдим этилмаслиги) натижасида пенсиялар ортикча тўланиши бўйича қарздорлик мавжуд бўлганда пенсия йигмажилди етказилган зарар тўлик коплангандан сўнг берилади.
- 38. Шахс бошқа худудга кўчиб кетганлиги сабабли пенсия йигмажилди ёпилганда мазкур Йўрикноманинг 5-иловасига мувофик шаклда Аттестат расмийлаштирилади.
- 39. Пенсия йигмажилди ва аттестат мониторинг гурухи рахбари томонидан Пенсионер (нафақа олувчи)нинг яшаш манзили ўзгарганлиги муносабати билан пенсия йигмажилдини хисобдан чиқаришни руйхатга олиш китобига қайд қилингандан сунг почта орқали юборилади ёки шахснинг (ишончли вакилнинг) қулига берилади.
- 40. Шахс ижтимоий (пенсия) таъминоти тўгрисида халқаро шартномалар тузмаган давлатга доимий яшаш учун кўчиб кетганда, мониторинг гурухи инспектори шахснинг пенсия тўловини тўхтатиш тўгрисидаги аризаси, ички ишлар бўлимида рўйхатдан чиқарилганлиги тўгрисидаги белгиси мавжуд паспорти нусхасига асосан шахсий карточка ва пенсия йигмажилдини (шу жумладан ахборот тизимида) ёпади хамда хужжатларни Пенсия жамгармаси бўлими архивига топширади.



41. Шахс қуйидаги қолларда янги яшаш жойига кўчиб келган хисобла-

бошқа давлатдан Ўзбекистон Республикасига доимий яшаш учун кўчиб келганда;

Ўзбекистон Республикаси худуди доирасидаги бошқа туман (шаҳар)дан доимий яшаш учун кўчиб келганда;

бир туман (шахар) худуди доирасида доимий яшаш учун кучиб утганда.

42. Янги яшаш жойи буйича пенсия ва нафака тулови комиссия қарорига асосан белгиланган миқдор ва муддатларда амалга оширилади.

6-боб. Пенсия ва нафакалардан чегирмалар килиш

- 43. Пенсия (нафақа)лардан қуйидаги қолларда чегирмалар қилинади:
- а) суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкий ундиришлар борасида), нотариал идораларнинг ижро варақалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроси суд ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳал қилув қарорлари ва қарорлар асосида;
- б) Пенсия жамғармаси бўлимининг қарорига биноан пенсионерга (нафақа олувчига) у томонидан қилинган суиистеъмолликлар (қасддан нотўғри хужжатларни такдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафакаси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар хакида маълумотлар такдим этмаганлиги) натижасида ёхуд хисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия (нафақа) микдоридан ортиқча пуллар тўланган такдирда.

Пенсия (нафақа)лардан юқорида кўрсатиб ўтилганидан ташқари бошқа ҳеч қандай чегирмалар қилиш мумкин эмас.

Пенсия (нафақа)дан чегирмалар қилиш миқдори пенсионерга (нафақа олувчига) тўланиши лозим бўлган пулдан хисоблаб чиқарилади.

Хар ойлик чегирмалар микдори пенсия (нафақа)нинг 50 фоизидан ошиши мумкин эмас.

Ортиқча туланган пенсия (нафақа) пули буйича қарздорлик тулиқ узилгунга қадар пенсия (нафақа) тулаш тухтатилган холларда (масалан, мехнат қобилияти тикланганлиги туфайли ёки бошқа холларда) қолган қарздорлик миқдори суд тартибида ундирилади.

- 44. Мониторинг гурухи рахбари ва хар бир инспектори пенсия ва нафақа буйича аниқланган ортиқча туловлар суммалари, хар ойлик чегирмалар ва ундирилган маблағлар суммаси, шунингдек хар бир қарздорлик буйича уларнинг қолдиқлари ойлик хисоботини юритади.
- 45. Пенсия жамғармаси булимига шахснинг пенсия ва нафақасидан чегирма қилиш турисида келиб тушган ижро хужжатлари Пенсия жамғармаси булимининг Келиб тушган хужжатларни қайд этиш китобига қайд этилади ва Пенсия жамғармаси булими бошлиғи курсатмасига асосан мониторинг гурухи рахбарига топширилади.



Мониторинг гурухи рахбари ижро хужжатини Пенсия (нафақа)дан чегирмалар тўгрисида ижро хужжатларини рўйхатга олиш китобига қайд этади ва мазкур шахс яшайдиган худудга хизмат кўрсатиш учун масъул мониторинг гурухи инспекторига топширади.

Ижро хужжатига асосан чегирмаларни тўгри ва ўз вактида амалга оширилиши бўйича масъулият мониторинг гурухининг тегишли инспекторига, назорат эса мониторинг гурухи рахбари зиммасига юклатилади.

- 46. Ижроси таъминланган ижро хужжатлари кузатув хати билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари булимига қайтарилиши лозим.
- 47. Мазкур Йўрикноманинг 43-банди «б» кичик бандига мувофик комиссия шахсга пенсия (нафака) микдоридан ортикча пуллар тўланган такдирда пенсия (нафака)дан чегирма килиш тўгрисида мазкур Йўрикноманинг 6-иловасига мувофик шаклдаги баённома билан расмийлаштириладиган карор кабул килади.

Ишловчи пенсионернинг Ф-25 топширикномасига чегирмани хисобга олган холда пенсия микдори ва ортикча тўланган пенсия суммаси тўлик ундириш якунланадиган муддат кўрсатилади.

Чегирма қилиш тўгрисидаги комиссия қарори мазкур Йўрикноманинг 7-иловасига мувофик шаклдаги Пенсия жамғармаси бўлими комиссиясининг чегирма қилиш тўгрисидаги қарорларини қайд этиш китобида рўйхатга олинади.

- 48. Шахс Ўзбекистон Республикаси худуди доирасида бошқа туман (шахар)га кўчиб ўтган такдирда пенсионер ёки нафақа олувчининг аввалги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлими томонидан пенсия йигмажилди ва аттестатга пенсия (нафақа)дан ортикча тўловлар тўгрисида маълумотлар киритилади. Ортикча тўланган пенсия (нафақа) суммаси қолдиғини ушлаб қолиш шахснинг янги яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлими томонидан давом эттирилади.
- 49. Ортиқча туланган пенсия (нафақа) суммаси буйича қарздорликка эга булган пенсионер (нафақа олувчи)нинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия (нафақа) суммасини тайинлашда ортиқча тулов суммаси олинмай қолган пенсия (нафақа) суммасидан ундириб қолиниши лозим.
- 50. Пенсионер (нафақа олувчи)нинг вафоти ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарисига доимий яшаш учун кўчиб кетиши муносабати билан пенсия (нафақа) суммасидан ортиқча тўловларни хисобдан чиқариш комиссия қарорига асосан амалга оширилади.

Пенсия (нафақа) суммасидан ортиқча туловлар суд қарорига асосан ҳам ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

51. Пенсия (нафақа) суммасидан аниқланган ортиқча тўловлар нақд пулда ёки пул ўтказиш йўли билан Пенсия жамғармасининг шахсий ғазна хисобварағига тегишли тўловларни киритиш орқали ундирилиши мумкин. Бунда тўлов топширикномасининг рақами, суммаси ва санаси шахсий карточкага ва ахборот тизимига киритилади.

Пенсия (нафақа) суммасидан аниқланган ортиқча туловлардан ҳар ойда



чегирма қилиб бориш устидан умумий назорат Пенсия жамғармаси булими бошлиғи уринбосари томонидан амалга оширилади.

52. Комиссиянинг чегирма қилиш тўгрисидаги қарори ва пенсия (нафақа)лар бўйича ортиқча тўловларни ундирилганлиги тўгрисида тўлов хужжатлари нусхаси мониторинг гурухи инспектори томонидан пенсия ва нафакаларни тайинлаш гурухининг тегишли инспекторига Пенсия ва нафакаларни тайинлаш гурухига такдим этилган хужжатларни рўйхатга олиш китобига қайд қилиш орқали пенсия йигмажилдига тикилиши учун такдим этилали.

7-боб. Пенсия ва нафакаларни тўлашни тўхтатиш ёки вактинча тўхтатиб туриш

53. Тайинланган пенсия ва нафакани тўлаш:

пенсионер ёки нафақа олувчи вафот этганда;

тайинланган пенсия ёки нафақага хуқуқлар йуқолганда;

доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетилганда тухтатилади.

54. Тўлов қуйидаги холатларда тўхтатиб турилади:

пенсия ва нафақа тўлаш муддати тамом бўлганда;

кетма-кет 3 ой мобайнида почта алоқаси объекти орқали пенсия олинмаганда;

пенсионер ва нафака олувчи суд хукми билан озодликдан махрум этилганда;

пенсионер рухий беморлар интернат уйларида яшаганда;

пенсия ва нафакани тулашни тухтатиб туриш турисида пенсионер ёки нафака олувчи томонидан ариза берилганда.

Шахснинг суд хукми билан озодликдан махрум этиш жойларида бўлган вақти учун пенсия ва нафақа тўланмайди. Шахс озод бўлгандан кейин тўлов Пенсия жамғармаси бўлимига ариза берилган кундан бошлаб тикланади.

55. Пенсия ва нафакалар тўлашни тиклаш комиссия карорига асосан амалга оширилади.

8-боб. Қайдномаларни тайёрлаш ва тузиш

- 56. Пенсия ва нафакаларни тайинлаш гурухи инспектори хар ойнинг 25-санасига кадар комиссия карори кабул килинган ва кейинги тўлов ойи кайдномаларига киритилиши лозим бўлган пенсия йигмажилдларини мониторинг гурухига такдим этади. Бунда такдим этилган хужжатлар Пенсия ва нафакалар тўлови мониторинги гурухига такдим этилган хужжатларни рўйхатга олиш китобига қайд қилиниши лозим.
- 57. Мониторинг гурухи инспектори пенсия йигмажилдига тикиладиган комиссия қарорида курсатилган тайинланган пенсия ва нафақанинг суммаси ҳамда тулов муддатини ахборот тизимидаги тегишли маълумотлар би-



105-модда

лан солиштиради. Тафовут мавжуд бўлганда пенсия йигмажилди 2 иш куни ичида Пенсия ва нафакалар тўлови мониторинг гурухига такдим этилган хужжатларни рўйхатга олиш китобига аникланган тафовут кайд килинган холда пенсия ва нафакаларни тайинлаш гурухининг тегишли инспекторига кайтарилади.

Пенсия йигмажилди комиссия аъзосининг қарорда имзоси мавжуд бўлмаганда, шахснинг яшаш жойи, ишловчи пенсионернинг иш жойи бўйича ташкилот ва унинг банк реквизитлари тўгрисида маълумотлар мавжуд бўлмаганда ҳам қайтарилиши лозим.

58. Мониторинг гурухи инспектори такдим этилган хужжатларни солиштиргандан сунг, тегишли маълумотларни шахсий карточка ва ахборот тизимига киритади хамда тасдиклаш учун мониторинг гурухи рахбарига юборади.

Мониторинг гурухи рахбари хужжатларни текширгандан сўнг (шахсий карточка ва ахборот тизимига киритилган маълумотларнинг тўгрилиги ва тўликлигини, ўтган вакт учун хисобланган тўловлар асослилиги хамда белгиланган чегирмаларнинг тўгрилиги) пенсия ва нафақа тўловини тасдиклайди.

Хужжатларда хато, камчиликлар ва ноаникликлар аникланганда, хужжатлар камчиликларни бартараф этиш учун мониторинг гурухи инспекторига қайтарилади.

59. Мониторинг гурухи жорий ой якунига қадар:

пенсия йигмажилдида мавжуд маълумотларга асосан шахсий карточка ва ахборот тизимига тегишли маълумотларни киритади;

комиссия қарорига асосан қайта ҳисобланган пенсия (нафақа)лар буйича ортиқча туловлар суммасини ҳисоблайди;

кўриб чиқиш учун пенсия (нафақа)дан чегирма қилиш тўғрисида қарор лойихасини комиссияга киритади;

комиссия қарори, ижро хужжатларига асосан шахсий карточка ва ахборот тизимига чегирмалар тўгрисида тегишли маълумотларни киритади;

пенсионер ёки нафақа олувчининг аризаси, шунингдек мехнат шартномаси тузилганлиги (бекор қилинганлиги) тўгрисида буйрукдан кўчирма ёки фукаролик-хукуқий шартномаси нусхасига асосан пенсия ва нафақа тўлови шаклини ўзгартиради;

хар чоракда хисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-санасига қадар давлат солиқ хизмати органлари томонидан тақдим этиладиган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хужалиги аъзолари руйхатига асосан пенсия ва нафақалар туловига тегишли узгартиришлар киритади;

комиссия қарорида кўрсатилган муддат ва суммалардан келиб чиқиб, шахс вақтинча уйда бўлмаганлиги ёки вафот этганлиги, пенсия ва нафақалар микдорлари ўзгарганлиги, шунингдек бошқа сабаблар билан олдинги ойларда олинмай қолган пенсия ва нафақа суммалари ҳисоб-китобини амалга оширади;

вақтинча тухтатиб турилган пенсия ёки нафақа туловларини пенсионер ёки нафақа олувчининг аризасига асосан тиклайди;

қайдномадан йиртиб олинадиган талонларда курсатилган маълумотлар-



га асосан, пенсия ва нафақа буйича тегишли хисоб-китобларни амалга оширади ёки туловларни тухтатади;

фуқаролик қолати далолатномаларини ёзиш булимлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида вафот этган шахслар буйича пенсия ва нафақа туловларини тухтатади;

кўчиб кетган шахсларнинг пенсия ва нафақа тўловини тўхтатади;

шахснинг пенсия ва нафақа тўлови шаклини танлаш бўйича аризасида кўрсатилган тўлов муддати тугагандан сўнг мазкур тўлов шакли бўйича пенсия ва нафақа тўловини тўхтатиб туради;

пенсия ва нафақани тайинлаш муддати тугагандан сўнг пенсия ва нафака тўловини тўхтатиб туради;

шахснинг аризасига асосан пенсия ва нафақа тўлови муддатларига ўзгартиришлар киритади, шунингдек бошқа ҳисоб-китобларни амалга оширади ёки тўлов муддатларига ўзгартиришлар киритади.

- 60. Тасдиқланган ва тўхтатиб турилган пенсия ва нафақалар бўйича шахсий карточкалар қайдномалар тузилгунга қадар мониторинг гурухи инспекторида алохида йиғмажилдда сақланади.
 - 61. Қайдномалар қуйидаги тартибда шакллантирилади:

асосий қайдномалар — пенсия ва нафақалар, вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия ва нафақалар, бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа, ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни қоплаш, пенсия ва нафақалардан алимент ва жарималар, компенсация ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа туловларни тулаш буйича тулов ойи учун бир маротаба;

қушимча қайдномалар — дафн маросими учун нафақа, Узбекистон Республикасидан ташқарисига кучиб кетишдан аввал бериладиган 6 ойлик пенсия тулови тайинланган кунда.

- 62. Мониторинг гурухи инспектори томонидан қайдномалар ахборот тизимида почта алоқа объектлари ва тижорат банклари филиаллари буйича алохида ҳар бир участка ва тижорат банки филиали кесимида шакллантирилади.
- 63. Почта алоқаси объектлари учун кейинги тулов ойига қайдномалар қайдномалардан йиртиб олинадиган талонларда ва реестрларда курсатилган олдинги тулов ойининг пенсия ва нафақалар туланганлиги (туланмаганлиги)нинг умумий сони ва суммаси туррисида маълумотларнинг туррилигини ахборот тизимига почта алоқа объектлари томонидан киритилган маълумотлар билан солиштирилгандан сунг шакллантирилади.

Почта алоқа объектлари ҳар куни туланган (туланмаган) пенсия ва нафақалар суммалари турисидаги маълумотларни ахборот тизимига юборади. Тулов ойи учун пенсия ва нафақаларни етказиб бериш (топшириш) якунлангандан сунг, почта алоқаси объектлари ахборот тизимига якуний маълумотларни, шунингдек етказиб берилган ёки етказиб берилмаган суммалар



буйича қайдномадан йиртиб олинадиган талонлар ва реестрларни Пенсия жамғармасининг тегишли булимига юборади. Пенсия жамғармаси булими томонидан маълумотлар солиштирилгандан сунг мазкур қайдномалар ахборот тизимида ёпилади.

64. Қайдномалар:

почта алоқаси объектлари учун — ҳар тўлов ойининг 3-санасига қадар шакллантирилади ва 4-санасига қадар тақдим этилади;

тижорат банклари филиаллари учун — ҳар тулов ойининг 5-санасига ҳадар шакллантирилади ва 8-санасига ҳадар таҳдим этилади.

65. Тижорат банки филиаллари ҳар ойда пенсионерлар ва нафаҳа олувчиларнинг банк пластик карточкаларига маблағларни ўз ваҳтида кирим ҳилинишини таъминлашлари лозим.

9-боб. Қайдномаларни ўрганиш, кўриб чиқиш ва такдим этиш

66. Қайдномаларни шакллантириш якунлангандан сўнг мониторинг гурухи инспектори томонидан ахборот тизимида қайдномаларни ўрганиш бўйича хисоботлар тузилади, хамда алохида йигмажилдда сақланаётган тасдиқланган ва тўхтатиб турилган пенсия ва нафақалар шахсий карточкалари маълумотлари билан янги қўшилган хамда тўхтатиб турилган пенсия ва нафақалар, белгиланган чегирмалар, ўтган вақт учун пенсия ва нафақалар тўловлари билан солиштириб чиқилади. Хатолар ёки номувофикликлар аниқланганда мониторинг гурухи инспектори шахсий карточка ва ахборот тизимига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Кайдномалар мониторинг гурухи инспектори томонидан пенсионер ва нафака олувчиларнинг сони, шунингдек уларнинг пенсия ва нафакалари микдорлари ўрганилгандан ва тўгрилигига ишонч хосил килингандан сўнггина тасдикланади. Кайдномани текшириш натижаси мониторинг гурухи ва пенсия ва нафакаларни тайинлаш гурухининг тегишли инспекторлари томонидан имзоланади хамда мониторинг гурухи рахбарига такдим этилади.

